



Гапни инсонга хос маънавий изланишлардан бошлайлик. Геологлар тогу чўлларни кезиб кадри паст, арзимас нарсаларни эмас, кадри баланд, кимматбаҳо нарсаларни излашади. Шунга ўхшаб, инсондаги маънавий изланишлар хам унга азиз туюладиган, рухий эҳтиёжларини кондирадиган неъматларга қаратилади.

Бутун табиат куёш нури билан тирик. Аммо инсон куёш нуридан баҳраманд бўлиш билан чекланолмайди. Инсон руҳи яхши одамларнинг сўзидан, сиймосидан, ижодидан тараладиган маънавий зиёга хам катта эҳтиёж сезади. Чунки хам табиий нур, хам маънавий зиё билан йўғрилган инсон хаётигина баркамол бўлади.

Маънавият — чексиз бир уммон. Шу уммоннинг бир катраси шахсан менга насиб килган бўлиши мумкин. Катрада куёш кандай акс этганини мен ўз хаётий ва ижодий тажрибам мисолида кискача айтиб ўтмокчиман.

Талабалик йилларимда мен учун энг азиз туюлган муддаолар — илму маърифатни эгаллаш, одамларга нафи тегадиган бир мутахассис бўлиб етишиш ва мөхру окибатга асосланган оила куриш эди. Шукурки, бу маънавий кадриятларга озми-кўпми эришиш ва шу хақда “Уч илдиз”ни ёзиш насиб этди.

Навбатдаги маънавий изланишлар Москвада аспирантурада ўқиган ва марказий ёзувчилар уюшмасида ўзбек адабиёти бўйича маслаҳатчи бўлиб ишлаган йилларимда бошкacha шаклларда давом этди.

Мусоғир бўлмагунча мусулмон бўлмайсан, деганлари рост экан. Ватандан йирокда уни согиниб яшаганда бошка жойда топилмайдиган юз хил неъматларимизнинг кадри ўтаркан. Москвада менга куёшли кунлар, оппок ўрик гуллари, ширин миллий куйларимиз, она тилимизнинг гўзалликлари етишмас эди. Ўзга элларда ватанинни согиниб яшайдиган одамга барча элдошлар бир бутун миллат бўлиб кўринади. Ватанда юрганингизда “фаргоналиклар ундей, тошкентликлар бундай, хоразмликлар бошкacha” деган гапларни эшитамиз. Аммо ватандан йирокда махаллий фаркларнинг ахамияти колмайди. Мен, масалан, Москвада дўлпи кийган одамни кўрсам кўнглим ёришиб кетарди. Атлас кийган аёллар Москва кўчаларида куёшдан тушган париларга ўхшаб кўринарди.

Мен билан ўн йил бир бинода меҳнат килган рус, украин, грузин, армани, латиш, эстон, козок, тожик миллатига мансуб хамкасларим хар бири ўз халки ва адабиёти учун жон куйдириб ишлар эди. Уларда миллий гурур ва маданий савия баландлигини сезганим сари ўзим хам шулардан колишмасликка интилардим.

Мана шу хис-туйгулар йиллар давомида ўсиб, кучайиб, одамнинг ватанпарварлик ва миллатпарварлик эътиқодини шакллантирар экан. Бу эътиқод инсон руҳини тор худбинлик кобигидан эл-юрт кенгликларига олиб чикади. Бу кенгликларга ўрганган одам руҳан факат ўз уйида эмас, балки шу уй жойлашган катта ватанда яшаётганини юракдан хис килади. Факат ўз шахсий микёсида эмас, ватан, халк микёсларида хам фикр юритишига одатланади, ана шу микёсларга мос келадиган катта максадларга

интилиб яшайди.

Улуг гайрат улуг максадлар йўлида тугилади, деганлари бежиз эмас. Абдулла Кодирий ва Абдулхамид Чўлпон ватан озодлиги ва мустакиллигини ўз олдиларига улуг максад килиб кўйган эдилар. Ана шу максадга яраша улкан ижодий гайрат ва жасорат “Ўткан кунлар”, “Кеча ва кундуз” каби ўлмас асарларни юзага келтирди. Бу асарларда миллатимизнинг хаётига оид теран инсоний мазмун ва бадиий маънолар кашф этилди. Хакикат ва озодлик каби олий максадларга йўналтирилган бу романлар олий маънавий кадриятларга айланди. Абдулла Кодирий бошлаб берган ўзбек миллий романчилик мактаби Ойбек, Одил Ёкубов, Ўткир Хошимов, Ўлмас Умарбеков, Тогай Мурод ва бошка ёзувчиларимизнинг ижодларида давом этиб, янги бир тараккиёт боскичига кўтарилиди. Чўлпон ижоди узок вакт таъкик остида колган бўлса хам, унинг миллий дард ва ватан туйгуси билан сугорилган оловли шеърияти адабиёт майдонида пайдо бўлган янги шеърий истеъдодларга ўз таъсирини ўтказмай колмади. Ўзбек адабиёти мустабид тузумнинг таъкибу тазийкларига карамай йигирманчи асрда А.Кодирий, А.Чўлпон, А.Фитратлардан бошланган ва Ойбек, Гафур Гулом, Абдулла Каҳхор, Зулфия, Саид Ахмад, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Озод Шарафиддинов, Матёкуб Кўшжонов ва улардан кейинги авлодларгача давом этган улкан бир янгиланиш ва юксалиш жараёнларини бошдан кечирди. Афсуски, бу жараёнлар хали адабиётшуносаримиз томонидан етарлича тахлил ва талкин этилган эмас, муносиб баҳосини хам олгани йўқ. Кисман шунинг учундир, истиклолдан олдин яратилган асарларни “даври ўтган” деб хисоблайдиган, уларни нукул “анъанавий” деган юзаки сўз билан баҳолайдиган, факат модерн асарларни янгилик сифатида тан оладиган адабиётчилар пайдо бўлди.

Масалан, З.Пардаеванинг бултур “Ёшлик” журналида чоп этилган маколасида Ўткир Хошимов ва Тогай Муродларнинг истиклол даврида чоп этилган янги романларини хам “анъанавий” деган сийка сўз билан баҳоланади. Айни вактда “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида таникли адабиётшуносар томонидан бир катор жиддий камчиликлари кўрсатиб ўтилган “Капалаклар ўйини” романи модерн услубда ёзилгани учун “Адабиётнинг янги романи” деб баҳоланади, ушбу баҳо хатто маколанинг сарлавхасига чикарилади.

Тўғри, макола журнал томонидан мунозара тарзида эълон килинган. Шуни хисобга олиб модернизм хакидаги баҳсларга тўхталиб ўтиш жоиз кўриниади.

“Капалаклар ўйини” ёш ёзувчи Тўхтамурод Рустамнинг биринчи иирик асари эканини хисобга олиб, профессор С.Содик уни суюб ва аяб тахлил килади. Романда хали онги шаклланмаган ёшларни йўлдан оздирадиган ва хаётдан бездирадиган иллатлар фош этилганини, муаллифнинг истеъодида хажвий йўналиш кучли эканини домла тўғри кўрсатади. Бирок муаллиф гоҳ Жеймс Жойснинг онг окимига, гоҳ М.Прустнинг экспрессив услубига амал килади, аммо уларга хос юксак маҳоратни эгаллай олмагани учун таклиддан юкорига кўтарила олмайди.

Гёте “Услуб — бу одам” деган эди. Ж.Жойснинг модернистик услуби хам унинг таржимаи холи ва мураккаб тақдири билан боғлик бўлган. 1882 йилда Ирландияда тугилган Жойс ўз ватанининг Англия мустамлакасига айланганидан, она тилини унутиб, инглиз тилида асар ёзишга мажбур бўлганидан ўксинади. У ватанида юрганида ўзини иккинчи даражали одамдек хис килади, “комплекс неполноценности” деб аталадиган кадрсизлик туйгуси учун ўз тугилган юртини ва унинг халкини айбдор деб билади. “Ўш санъаткорнинг портрети” деб аталган биринчи романида Жеймс Жойс ўз прототипи асосида яратилган Стивеннинг тилидан ватани Ирландия хакида шундай дейди:

— Биласанми, Ирландия нима? Ирландия бу ўз болаларини ўзи ейдиган кекса чўчка! (“Ёш санъаткорнинг портрети”, 289-б.)

Ўз ватанини шундай хакоратомуз сўзлар билан таърифлаган Ж.Жойс 22 ёшида Ирландияни бутунлай тарк этади, Парижда ва Цюрихда яшай бошлайди. Ватандан йирокда юрганида хам Ирландияни “шол бўлган мамлакат” деб атайди, Ирландия пойтахти Дублинни “паралич маркази” деб масхара килади (ўша китоб, 9-бет).

Жойснинг муҳлисларидан бўлган Америка ёзувчиси Ж.Феррол ёзади: “Жеймс Жойс динидан, халқидан, ватанидан воз кечади, унга факат сўз санъати мукаддас туюлади, шу сабабли бутунича санъат-санъат учун деган гояга берилади” (ўша китоб, XXII бет). Ж.Жойс чиндан хам инглиз тилининг улкан сўз санъаткори бўлиб етишади, унинг сўз санъати соҳасида килган бадиий қашфиётларидан Э.Хемингуэй каби машхур ёзувчилар хам баҳраманд бўлганларини тан оладилар.

Бирок ватандан, халқдан, диндан юз ўгириш Жойсни маънавий тушкунликка ва ёлғизлик азобига махкум этади. Ўз халкини кадрламаган, ўз ватанини инкор этган, дахрийликка берилган одам бутун тарихни, бутун дунёни ва одамзотни хам коралашга тушиб кетиши мумкин экан. “Улисс” романида Жойснинг прообрази бўлган ва айнан унинг фикрларини айтадиган Стивен шундай дейди: “Тарих бу — даҳшатли туш, мен ундан уйгониб кутулишни истайман. Тарих — бу дунёнинг криминал хроникаси (жиноятлар солномасидир), чунки бутун одамзод жиноятчилар тўдасидир. Биз дунё деб атайдиган бу сассик гўнг уюмида хамма нарса омонат...” (“Ж.Жойс “Улисс”, Интернациональная литература” журнали. 1935 й. 2-сон, 46-бет.)

Бутун одамзодни жиноятчилар тўдаси деб айблаш ва дунёни сассик гўнг уюми деб хакорат килиш — инсоний одоб-ахлок коидаларини кўпол равишда бузиш эди. Бунинг окибатида Ж.Жойс атрофида жуда катта жанжал кўтарилади. “Улисс” романи Англия, Франция ва АҚШда таъкиланади. Машхур фантаст ёзувчи Герберт Уэллс Жойсга ёзган мактубида шундай дейди: “Сиз оддий одамлардан юз ўғирдингиз ва ўзингизни жуда катта оляпсиз. Менимча, бу боши берк кўчадир”. Р.Оллингтон деган адиб “Улисс”ни “Одамзодга карши айтилган ялмогизларча тухматdir” деб атайди. Америка адиби Эдвард Далберг “Улисс” романининг воеалари бир кеча-кундузда бўлиб ўтишини назарда тутиб шундай дейди: “Улисс” — бу ахлатхоналар бўйлаб бир кеча-кундуз давом этган саёхатdir.” (Д.М.Урнов “Джеймс Жойс и современный модернизм” М. 1964 й. 5-бет.)

Бу энди Ж.Жойснинг бутун дунёни масхаралаганига карши жавоб масхара эди.

Бизнингча, хар икки томоннинг хам масхаралари ёзувчилик одобига хилофдир.

Шунга карамай, Ж.Жойснинг аччик киноя ва масхараларини юксак санъат ва жасорат намунаси деб хисоблайдиган, бу борада ундан ибрат олишга интиладиган одамлар, айникса, ёш ёзувчилар хозир хам учрайди.

Юкорида эслаб ўтилган “Капалаклар ўйини” романида Жойсни эслатадиган киноя ва масхаралар энг аввало оддий одамларга такаббурона муносабатда кўзга ташланади. Хеч кимга заари тегмайдиган, эшак миниб рўзгор тебратадиган камтар бир инсон Эшим бутун роман давомида “Эшим — эшак” деб камситилади. Романда олифтачилик билан ичиб-чакиб юрадиган, бирон фойдали иш килмайдиган бекорхўжа-такасалтнглар “Эшим деганимиз бу — эшак демакдир” деган баландпарвоз шеър хам тўкишади.

Муаллиф бу билан хам каноатланмай, Эшим номидан куйидагича умумлашма килади: “Эшак хам худди одамга ўхшайди, факат эшак одамдан эслирок бўлади.”

Инсон зотини эшакдан хам паст кўйиб, бу кадар аёвсиз ерга уриш модернизм таъсирига

берилиб инсонпарварликдан юз ўгиришга ўхшайди. Бир вактлар Герберт Уэллснинг Жойсга карата “Сиз оддий одамлардан юз ўгирдингиз” деган танкидини “Капалаклар ўйини” муаллифига хам айтишга тўгри келади.

Жойснинг оламдан ўтганига олтмиш йилдан ошди. Шундан бери жаҳонда ва адабиётда катта ўзгаришлар юз берди. Нуфузли доираларда “Европа виждони” деб тан олинган Альбер Камю Гарб адабиётининг гуманизм йўлига яна кайтиб келишига ва маънавиятнинг астойдил кадрланишига катта хисса кўшди. Янги тарихий шароитда постмодернизм тарафдорлари хам гуманизм ва маънавият томонга бурилиш ясадилар. Шунга карамай “Капалаклар ўйинида” хамон ўша Жойснинг нигилизмига, ўринсиз киноя ва масҳараларига таклид килиш холлари кўп учрайди. Муаллиф Тошкент вактини “Бакаховуз вакти” деб ўзгартиради. Хатто киноя тарзида “Бакаховуз хакикати” деган газета борлиги хам тақрор-тақрор кайд этилади...

Жойс ўзини нихоятда ёлгиз хис килади, ўз санъатини хамма нарсадан баланд кўяди. “Улуглик” чўккисида туриб ўз халки ва бутун одамзод шаънига юкорида келтирилган номуносиб айномаларни айтади. Модернизмда Жойснинг анъанасига амал килувчи айрим ижодкорлар хам инсонлар ва хатто миллатларга нисбатан жуда баланддан келиб, катта-катта айблар кўядилар.

Бунинг бир мисолини истеъоди кўпчилик томонидан тан олинган таникли шоир Абдували Кутбиддиннинг “Шарк ўлдузи”да чоп этилган “Изоҳсиз лугат” номли достонида кўриш мумкин. Бу достонда ўтмишдаги мустамлака зулми остида яшаган инсоннинг фожиавий хатолари куйидагича изоҳланади:

Ватанинг бор эди, сотдинг.

Онанг бор эди, отдинг.

Лаззатга, сафога, ишратга алмашдинг бору будингни

Чўчкага хизматга кирдинг,

Тўнгизнинг амрини бажардинг

Эсизгина одам, кизил ва сарик шокол,

Кўз узмай кузатиб турибди хар бир харакатингни”.

Кўзингдан, бурнингдан битлар чикмокдалар амал-такал килиб.

Оғзингдан семириб кетган курбака зўрга тушаётир —  
кеқиртагингни ёриб юборар.

...Эсизгина одам, ачинаман, афсусланаман...

Кечикмадикмикин? Одамни куткармокка?!. (“Шарк ўлдузи” 1990 й. 10-сон, 11-бет.)

Мустамлака зулми остида эзилган, алданган, ёмон хатолар килган, бору будидан айрилган одамга шоир аввал баланддан келиб даҳшатли айблар кўяди, бит ва курбакалар тимсолида унинг киёфасига жирканчли тус беради. Сўнг айб факат одамнинг ўзида эмаслигини, тузум, мухит хам айбдор бўлганини тушунгани учун “Эсизгина одам!” деб унга чин дилдан ачинади. Нихоят, “кечикмадикмикин Одамни куткармокка!” деган савол билан ўз максадини англатади. Катта харф билан ёзиладиган Одамни куткармок эса эзгу максаддир. Шу тарзда достонга инсонпарварлик руҳи кайтиб

келади.

Афсуски, достоннинг биз келтирган айрим сатрларидан ёш олима Наргиз Маматкулова “Модерн шеъриятда янгича талкин” деган маколасида бутунлай бошкacha хуносалар чикаради. Англашилмовчилик келиб чикмаслиги учун Н.Маматкулова кўчирма олган сатрларини бу ерда такроран келтиришга тўгри келади:

“Кўзингдан, бурнингдан битлар чикмоқдалар амал-такал килиб, оғзингдан семириб кетган курбака зўрга тушаётир — кекиртагингни ёриб юборар”.

Бу хунук ва эстетикадан йирок сатрларни Н.Маматкулова модерн шеъриятининг янгича талкини сифатида мактайди. “Бу сатрларда, — деб ёзади олима, — миллатга нисбатан катта айлов мавжуд. Миллатнинг руҳий таркоклиги ва хашаротлар каби майдалашуви, кискаси, улкан бир фожиа тасвирланади” (“Ёшлик” журнали, 2003 й. 4-сон, 29-бет).

Юкорида биз келтирган сатрларда гап миллат хакида эмас, мустамлака зулми остида эзилган, алданган, хатолар килган одам хакида боради. Шоир бу одамга ачинади, хамдард бўлади, уни куткаришни ўйлади.

Модерн шеърият тадқикотчиси эса бу одамни ўзгартириб, бутун бир миллатга айлантириб юборади. Алоҳида одамга тааллукли айловлар бутун миллатга тааллукли бўлиб чикади. Гўё бу мисраларда миллатнинг таркоклиги ва хашаротлар каби майдалашуви, кискаси, улкан бир фожеа тасвирланган эмиш!

Мустамлака зулмига карши курашда А.Кодирий ва Чўлпондан тортиб Мадаминбеккача, Мунаввар Кори ва Бехбудийлардан тортиб Файзулла Хўжаевгача, ўзбек адабиётининг жаллодларига карши исён килган Абдулла Каххоргача минг-минглаб миллатдошларимиз озмунча қахрамонлик кўрсатдими? Энди бунинг хаммасини унутиб, шўро даврида яшаган миллатдошларимизни “хашаротлар каби майдалашув”да айблашга ёш олиманинг кандай хадди сигди? Шоир кизил ва сарик шокол зулми остида эзилган, булганган одамга ачиниб ва хамдард бўлиб ёзган сатрларни бутун бир миллатга карши асоссиз айловга айлантириш — миллий нигилизмнинг ашаддий бир кўринишидир.

Хар бир миллат таркибида яхши ва ёмон одамлар бор. Лекин бутунича ёмон миллат йўқ. Айникса, ўз миллатига паст назар билан караш ва унга адолатсиз айловларни раво кўриш хаддан ортиқ катта кетиш ва камтарликни унутишдан келиб чикади. Жеймс Жойс мана шунака катта кетиш окибатида ўз халқидан воз кечади, бутун одамзодни “жиноятчилар тўдаси” деб коралашгача бориб етади, охир-окибатда нигилизм ва интихосиз тушкунлик таъсирида кўзи кўр бўлади ва 1941 йилда вафот этади.

Ана шу даврда ижод килган француз адиби А.Камю тушкунлик ва нигилизм тўгрисида куйидагича фикр билдиради:

“Ўта тушкун ахволга тушиб колганидан шон-шараф ва ор-номусни хам унутиб, замонавий нигилизм боткогига ботиб колганлар билан курашар эканмиз, улар адашаётганини тушунишга харакат килишимиз керак. Бирок менинг юртимдаги ва Европадаги кўпчилик нигилизмни рад этган ва тарихни окилона давом эттиришга киришиб кетган”. (“Жаҳон адабиёти”, 2002 й. 2-сон, 169-б.)

А.Камю “Шон-шараф ва ор-номусни унутиб, замонавий нигилизм боткогига ботганлар” деганда кимларни назарда тутганига изоҳ бериб ўтишимиз керак: Совук уруш авжига чиккан даврда модернизмнинг гуманизмга карши каратилган окими пайдо бўлади. Бу оким тарафдорлари “инсон табиатан ёмон, уни аямай фош этиш керак” дейдилар.

Англияда Голдинг деган адаб “Найза” номли романида антигуманизм гоясини таргиг килади. Джон Уэйн деган модернист танқидчи бу романдаги антигуманизмни кўллаб-кувватлаб ёзади: “Голдинг инсон деган тушунчанинг ўзини инкор этади. У хар

янги романи билан “гуманизм” деб аталган нарсага карши аёвсиз ўқ отади.”

Авангард модернистлар ўз халкларининг тарихидаги шон-шараф зарваракларини инкор этадилар. Улар тарихни ой нури каби хароратсиз нарса деб камситадилар ва “Йўколсин ой нури!” деган шиор билан чикадилар.

Бир вактлар шўро даврининг пролеткултъчилари “Йўколсин эски адабиёт! Йўколсин Пушкин!” деган шиор билан чиккан, лекин орадан йиллар ўтиб, ўзлари йўколиб кетган эдилар. “Йўколсин ой нури!” деган модернистлар хам йиллар ўтгандан кейин худди пролеткултъчиларнинг ахволига тушганини италян ёзувчиси Умберто Эко “Номи Роза” деб аталган китобда куйидагича баён килади: “Авангард модернизми тарихни инкор этади, образни йўкка чикаради, уни курук абстракцияга айлантиради, охири оқ когознинг ўзи колади, сурат чизганда холстни тешик килиб “Тасвири мана шу” дейишгача бориб етади”. Умберто Эко фикрини куйидагича давом эттиради: “Авангард модернизм шу тарзда таназзулга учраб тўхтаб колди, модернизмга хос нигилизм тарихни инкор этди, аммо ўтмишни йўкотолмади. Энди модернизм ўрнига келган постмодернизм тарихни кайта идрок этиб тасвиirlамокда.” (Умберто Эко “Номи Роза”, роман, М. 1989 й. 461-бет.) Умберто Эко ўзининг бу фикрини амалда исбот этади, “Номи Роза” деб аталган тарихий детектив роман ёзади ва уни постмодернизм маҳсули деб атайди. Бу роман кизикарли сюжет ва аник тарихий шахслар тасвирига багишлиган. Унда А.Камю айтганидек, тарихни окилона давом эттириш тамойили кўзга яккол ташланади ва шу сифатлари билан Эко романи Жойс модернизмидан кескин фарқ килади.

Якинда ўзбек тилига таржима килинган бразилиялик ёзувчи Пауло Коэлонинг “Алкимёгар” романи хам постмодернизмнинг анъанавий модернизмдан фарки катта эканини кўрсатиб турибди. Жойс романларидағи диндан кайтиш, ватандан воз кечиш, нигилизм ва тушкунликка берилиш “Алкимёгар” романида мутлако йўк. Аксинча, бу романда замон ва макон аник кўрсатилади, сюжет ёркин инсоний тақдирлар асосига курилади, имону эътиодли, тақдирга ишонадиган, маънавий хаёт кечирадиган одамлар бош каҳрамон килиб олинади. Бу хаммаси мумтоз реализмга хос энг яхши ижодий тамоилиларни эсга солади.

Постмодернизм назариячиси Жон Барт XIX ва XX асрдаги мумтоз реализм адиблар тажрибаси бугунги постмодернизм ёзувчилари томонидан хисобга олинаётганини маҳсус кўрсатиб ўтади.

Хуллас, модернизмнинг авангард каби турлари реализмга карши бориб ёнгилди ва таназзулга учради. Буни амалда кўрган постмодернистлар мумтоз реализмга карши туришдан воз кечдилар. Тараккиёт спирал шаклида айланма йўлдан бориши маълум. Постмодернистлар шу спирал бўйлаб мумтоз реализм йўлига кайтаётгандай кўринади. Факат бу — оркага кайтиш эмас, балки спирал бўйлаб юкорига кўтарилиш бўлиши мумкин.

Мана шу келажакни А.Камю ўтган аср ўрталарида олдиндан кўра билгани учун ижодкорларни тушкунликка тушмасликка, замонавий нигилизмга берилмасликка даъват этган эди. Камюнинг Нобель мукофотини олиши муносабати билан сўзлаган нутки ўзбек тилига таржима бўлиб, “Жаҳон адабиёти” журналида чоп этилган. Ана шу дастурий нутқда А.Камю “санъат — санъат учун” деб, факат тор доирадаги шинавандаларга мўлжаллаб ёзилган, тушунилиши кийин бўлган асарларга ўз муносабатини куйидигача билдиради:

“Санъат ижодкорларнинг ўз кобигига ўралашиб колишига йўл кўймайди. Санъат азоб-укубатлар ва кувончларнинг кенг камровли тасвирини яратиш оркали иложи

борича кўпроқ одамларга таъсир килиш усулидир.” (“Жаҳон адабиёти” т-л 2002 йил 2-сон, 168-бет.)

З. Пардаева каби адабиётшуносларимиз эса хамон ўша тушунилиши мушкил бўлган бошкотирма услубидаги “Капалаклар ўйини”ни “Адабиётнинг янги романи” деб реклама килишади.

Аллома Озод Шарафиддинов бир сухбатида модернизмнинг кроссвордга ўхшаш бошкотирмасини ёқтираслигини айтган эди. Албатта, кроссворд хам ўз ўрнида керак. Лекин Абдулла Каххор адабиётни атомдан кучли деб таърифлаган, факат унинг кучини ўтин ёришга сарфлаш керак эмас” деб огохлантирган эди. Устоз адибнинг шу фикрини кувватлаб, адабиётнинг атомдан зўр кучини кроссворд ечишга хам сарфлаш керак эмас, дегимиз келади.

“Бошкотирмасиз” хам яхши асар ёзиш мумкинлигини Улугбек Хамдамнинг якинда китоб бўлиб чиккан “Мувозанат” романида кўриш мумкин. Академик М.Қўшжонов романга ёзган бош сўзида унинг катта кизикиш ва коникиш билан ўкилиши сабабларини очиб беради. Асарда чинакам романбоп тақдирлар ва ўта драматик воеалар янгича тафаккур асосида журъат ва маҳорат билан тасвирланади. Шахсан мен “Мувозанат”ни сўнгги ўн йилда чиккан ўзбек романларининг энг яхшиларидан бири деб хисоблайман.

Шу билан бирга, тушкунликка тушган ва нигилизмга берилган анъанавий модернизмнинг ўрнига келаётган ва жаҳон бўйлаб тан олинаётган багрикенг, маънавияти бор постмодернизмга нисбатан хайриҳох бўлишимиз керак, деб ўйлайман. Бу фикрга исбот тарзида Хуршид Дўстмуҳаммаднинг “Бозор” романини мисол келтирмокчиман.

Бу романда имон-эътиқодли одамлар бор. Айникса, бош каҳрамон Фозилбекнинг тақдири ўкувчини кизиктиради. Ёши етилган Фозилбекни ота-она хам, опа-сингиллар хам “Ўйлан”, деб кисташади. Фозилбек мол-дуёнга тўла бозорда узок изланиб юради. Ўларида хам бойликнинг хисоби йўқ. Бой оиласарнинг гўзал кизларини унга кўрсатишади. Лекин тақдир такозоси билан йигитнинг ишки маънавий бойликлар йигилган китобхона ходимаси, камхаржгина оддий жувон Кадрияга тушади. “Бозор” романни “Алкимёгар”дан олдин босилиб чиккан бўлса хам, Фозилбек образи нимаси биландир Сантиягони эслатади. “Нимасидир” деганда биз хар икки романда хам маънавият олий кадрият сифатида кўрсатилганини назарда тутамиз. Демак, постмодернизм асарлари маънавиятни эъзозлаши ва мумтоз реализмнинг олий кадриятларига суюниши билан хам кўпчилик китобхонлар дилига йўл топиши мумкин.

\* \* \*

Маънавият мавзусига кайтар эканмиз, унга нисбатан карама-карши кутбда турадиган абсурд тушунчасига дуч келамиз. “Маънавият” бу “маъно” сўзидан келиб чикадиган юксак кадрият бўлса, “абсурд” лугавий жихатдан “маъносизлик” ёки “бемаънилик”ни билдиради.

Хаётда бемаъниликлар оз эмас. Уларни адабий асарларда хакконий акс эттириш зарур. Факат хаётдаги бемаънилик адабий асарда тасвирланганда унинг инсонга бехуда азоб

берадиган салбий мохияти хам очиб берилиши керак. Бу мавзуда энг яхши асарлар ёзган адаб юкорида номи айтиб ўтилган Альбер Камюдир. Унинг “Сизиф хакидаги ривоят” асари абсурднинг кадим замонларга илдиз отган ходиса эканини кўрсатади. Кадимги юонон Каҳрамони Сизифнинг мудом баланд токка тош юмалатиб чикиши, тош яна пастига юмалаб тушганда уни кайта ва кайта токка олиб чикиши, юонон худолари уни умр бўйи шу бесамар иш билан шугулланишга маҳкум этганлари абсурд тушунчасининг энг ёркин бир мисолидир.

Иккинчи жаҳон урушини бошидан кечирган ва фашизмга карши кураш олиб борган Камю халк орасида “жигарранг вабо” номини олган фашизм балосини хам тарихнинг улкан бир абсурд ходисасидек тасаввур килади. Ёшлиги Жазоирда ўтган Камю кичик бир шахарда каламушлар кўпайиб кетиб, вабо касаллигини кандай таркатаётганини кўрган экан. Шу ёшлик хотираси улкан бир маъжозий образга айланиб, адабнинг шоҳ асари саналган “Вабо” романига асос бўлади. Жаҳон уруши даврида бутун одамзоднинг ўлим куроллари ясаш учун килган интихосиз, меҳнатлари Сизифнинг умр бўйи тош юмалатиб азоб тортганига ўхшаб кетгани ва миллионлаб бегунох одамларнинг ўлимига сабаб бўлгани “дахшатли вабо” каби бир абсурд деб баҳоланади.

Камю хали хаёт бўлган 1950 — 60 йилларда одамзодни кириб ташлашга кодир бўлган ядро куроллари яратилгани, совук уруш ва куролланиш пойгаси авжига чикарилгани хам романда вабо таркатувчи жирканч каламушлар кирдикорига ўхшаб кетади. Роман каҳрамонлари жонларини хавф-хатарга кўйиб бўлса хам, вабо тимсоли бўлган ёвуз кучларга карши фидойиларча курашадилар.

ИНсонни вабодан куткаришга каратилган бу кураш Камю романини теран бир инсонпарварлик рухи билан сугоради. Каламушлар таркатаётган вабо беъмани бир абсурд бўлса хам, бу вабодан инсон зотини куткариш учун олиб борилган кураш туфайли романда юксак гуманистик маъно пайдо бўлади. Яъни хаётдаги маъносиз абсурдга ёзувчи ўзининг таланти, маҳорати ва гуманистик эътиқоди ёрдамида янгича бир маъно баҳш этади. Шу тарзда роман маънавият хазинасидан ўрин олади.

Афсуски, Камюнинг абсурдга оид фикрларини нотўгри талкин этувчилар бор. Улар хаётда абсурд бўлгани каби, адабиётда хам абсурд асар, абсурд ижод бўлиши мумкин, деб хисоблайдилар.

Холбуки, Камю хаётдаги абсурднинг гайриинсоний мохиятини доим ёдда тутишга ундейди. У абсурд оқимиға тушиб нишабга караб окишни эмас, балки абсурд оқимиға карши сузиш зарурлигини куйидагича таъкидлайди:

“Агар абсурд туйгуси бевосита харакат коидасига айлантирилса, унда бу туйгу котилликка хам бефарқ карайди, уни жойиз килиб кўяди. Агар хеч нарсага ишонч колмаса, агар хамма нарса маъносиз бўлса-ю, хеч нарсанинг кадр-киммати бўлмаса, унда хамма нарса мумкин — ёвузлик хам, яхшилик хам жоиз ва ахамиятсиз бўлиб колади.” (А.Камю, “Избранное” Москва, 1990 й. 18-бет.) Ана шу холатга тушмаслик учун А.Камю инсоний хакикатга суняди. Унинг “Немис дўстимга мактублар” асарида инсонга ишонч гояси олдинга сурилади. “Бу дунёning маъносини факат инсон излайди, — деб ёзади у. — Бу дунёда хеч бўлмаганда битта хакикат бор — бу инсон хакикатидир.

Шунинг учун, аввало, инсонни куткариш керак” (ўша китоб, 18-бет.)

Камюнинг ушбу сатрларида инсонга меҳр ва уни турли азоблардан куткаришга каратилган олижаноб максад бор. Энди шу нуктаи назардан шоир Хусан Карвонлининг куйидаги шеърига кўз ташлайлик:

Мен ва сен, сен ва у, у ва мен — гаранг.  
Лохасмиз, бекасмиз, бешамол, бедил.  
Хамма бир-бирини ёмон кўради.  
Нафратлар пишади иссиқда хил-хил.  
(“Ўзбек модерн шеърияти”, 2003 й. 115-116-бет)

Бу сатрларда тушкунлик рухи хукмрон, “Мен”, “Сен”, “У” — уч томонда хам меҳру окибат йўқ, маънавият йўқ, уларнинг урнини абсурд бир нафрат эгаллаган, шунинг учун хамма бир-бирини ёмон кўради, хамма гаранг ва лохас. Бу холдан чикиш йўлини хар ким ўзи билганича кўрсатади. Масалан, Назар Эшонкулнинг “Ёшлик” журналида чоп этилган бадиасида шундай шеърий фикр билдирилган:

Менга дўст керакмас, душмандан бошка,  
Мухаббат керакмас “Нафратдан бошка”.  
(“Ёшлик”, 1903 й. 3 июн, 7-бет.)

Демак, Карвонлининг шеърида “хил-хил пишган нафратларни бадиа муаллифи керак деб хисоблайди. Хатто “Мухаббат керакмас нафратдан бошка” деган сўзлар билан нафратни мухаббатдан хам заруррок санайди. Бунинг сабабини муаллиф куйидагича изохлади: “Одам ўзига дўст кўзи билан караши фикрининг тургунлигига олиб боради. Душман кўзи билан караса-чи? Мухаббат кўйилган нарсаларга нафрат кўзи билан караса-чи?”

Менимча, бу саволларда абсурд фикр олга сурилаяпти. Чунки нормал одам ўзига душман кўзи билан караёлмайди. Бобур Мирзо “Жонимдин ўзга ёри вафодор топмадим, кўнглимдин ўзга маҳрами асрор топмадим” деган фикрининг тўгрилигини бутун ижоди ва хаёти билан исбот этган. Чунки одам ўзини дўст билиб, ички дўстга ишониб, суюниб яшасагина нимагадир эришади. Акс холда унинг умри дилидаги душман билан олишиб, доимо бир хадик ва хавотирлик ичida бесамар ўтиши мумкин.

Мухаббат кўйилган насаларга нафрат кўзи билан караш хам маъноси йўқ абсурдга олиб боради. Кайси нормал одам ёрига аталган гулдан нафис меҳрини ёки Она ватанига аталган илик мухаббатини қахру газаб манбаи бўлган нафратга алмаштиради? Ким уни бунга мажбур килаолади?”

Бунинг жуда мушкул эканини бадеъа муаллифи хам сезади ва “Мухаббатнинг нафратга айланиши — фожиадир.” деб тан олади. Тўгри, мухаббатнинг нафратга айланиши фожиа билан тугашини масалан, Шекспирнинг “Отелло” асарида яккол кўрамиз. Нега шуни билатуриб, мухаббат кўйган нарсамизга нафрат билан карашимиз ва муаллиф айтган фожиага учрашимиз керак? Бадеъа муаллифи бу саволга куйидагича жавоб беради: “Фожиа рухни янгилайди, карашларни ўзгартиради, янги вокеликни яратади,

эскисини инкор этади.” (“Ёшлик” журнали, 1903 йил, 3-сон, 7-бет)

Гап бу ерда театр сахнасида кўрсатиладиган фожиа тўгрисида эмас, хаётда вокеликни янгилайдиган фожиа тўгрисида бораётир. Хаётда кўпинча ўлим билан тугайдиган фожиа кандай килиб рухни янгилайди, кай тарзда янги вокелик яратади? Янги вокелик яратилиши — улкан тарихий жараёндир. Янги вокелик кўпинча инкилобий ўзгаришлар натижасида яратилиши тарихдан маълум.

Бирок одамзод инкилобий ўзгаришлар фожиасини кўравериб роса безор бўлган. Бутун дунё хозир тинч эволюцион тараккиётни афзал кўради.

Абсурд назариясининг асосчиси хисобланган Камю хам ўша машхур нуткида инкилобий таназзулларни, худоларни йўкка чикарган мустабид мафкураларни, зиёлларни тубанлашиб, нафрат ва зулм малайларига айлантирилган ўтмиш даврларни коралайди, адабиёт одамларни душманликка эмас, дўстликка даъват этиши кераклигини таъкидлаб шундай дейди: “Ўзувчининг истеъоди одамларни бирлаштиришга, уларнинг орасида тотувлик кўпригини куришга хизмат килади. Ўзувчи ўз касбининг улугворлигини белгилайдиган икки нарсанни имкон кадар бажаришга рози бўлиши керак. Булар хакикат учун ва озодлик учун хизмат килишдир.” (“Жаҳон адабиёти” журнали, 2002 йил, 2-сон, 169-бет.)

Карангки, А.Кодирий ва Чўлпонлар ўтган асрда хакикат учун ва озодлик учун курашга ўз жонларини фидо килган бўлсалар, улар билан бир асрда яшаб ижод килган Камю хам хакикат ва озодлик учун хизмат килишни ёзувчилик касбининг улугвор вазифаси деб хисоблайди. Ўйлайманки, бизнинг хозирги давримизда хам нигилизмга берилмасдан, маъносиз абсурд окимларига тушиб окмасдан, А.Камю каби инсон зотини абсурд азобларидан халос киладиган маъноси зўр асаллар ёзиш ва шу йўл билан хам одамларнинг маънавий эҳтиёжларини кондириш ёзувчилик касбининг энг улугвор вазифаси бўлиб колади.

Тирик жонзотлар орасида факат инсон китоб ўқийди. Китобдан маънавий озик олиб яшаш эҳтиёжи — инсон зотини хайвонот дунёсидан ажратиб турадиган улкан чегарадир. Шу чегара бузилса ва инсон маънавиятдан бутунлай маҳрум бўлса, яна оркага — хайвоний хирслар оламига кайтиб кетади.

Мамлакатимизда маънавиятга жуда катта эътибор берилаяпти. Маънавият марказлари барча худудларда ишлаб турганлиги, хамма таълим муассасаларида маънавият дарслари ўтилаётгани халқимизнинг маънавий соглом хаёт кечиришига ёрдам беради, ёшларимизни четдан келадиган хаёсизлик, маъносизлик ва шафкатсизликлардан огох килади, уларни инсоний меҳру окибат руҳида тарбиялашни максад килиб кўяди.

Айникса, халк дардига дармон бўладиган ва инсон камолотига хизмат киладиган миллий адабиётимизда энг самарали ижодий изланишлар маънавий изланишлар жараёнига кўшилиб боради. Шахсан менга бирон янги нарса ёзиш насиб этса, бу йўлда китобхоннинг маърифий ва маънавий эҳтиёжини озгина бўлса хам кондириш, унга мушкул туюлган муаммони таҳлил ва талкин этишда кўмаклашиш учун ўзимни бурчли сезаман. Ушбу бадиа хам ана шу бурчни баҳоли кудрат бажаришга каратилган.

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг 2004 йил 12-сонидан олинди.

